



УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ИМКОНИАТЛАРДАН ТЎЛА ФЙДАЛАНИЛСА, НАТИЖАДОРЛИК БУНДАН-ДА ЯХШИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 январь куни ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда жами 40 миллион квадрат метрдан зиёд бино-иншоотлар қурилган. Жумладан, 100 мингдан зиёд хонадонга эга 2 минг 44 та кўп қаватли уйлар бунёд этилган.

Бу фақат ижтимоий ёки қурилиш масаласи эмас, балки ҳудудлар иқтисодиётида яна бир драйвер бўлмоқда. Хусусан, мазкур уйларни барпо этишда ва ёндош тармоқларда 350 минг одам иш билан таъминланган. Мебель, электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари соҳаларида қўшимча 11 триллион сўмлик бозор пайдо бўлган. Иқтисодиётда 73 триллион сўм маблағ айланиб, бюджетга 14 триллион сўм тушган.

Соҳани рағбатлантириш учун 2024 йилда 59 минг одамга 17 триллион сўм ипотека кредити ажратилган. Қурувчи ва девелоперларга айланма маблағ учун жами 3 триллион сўм берилган.

Имкониятлардан тўла фойдаланилса, натижалар бундан-да яхши бўлади. Лекин Қорақалпоғистон, Жиззах ва Сирдарёда айрим лойиҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баъзи вилоятларда аукционда сотиб олинган ўнлаб ерларда қурилиш бошланмаган. Аҳоли ва инфратузилмадан узоқ жойда қурилгани учун 781 та хонадон сотилмаган.

Имкониятлардан тўла фойдаланилса, натижалар бундан-да яхши бўлади. Лекин Қорақалпоғистон, Жиззах ва Сирдарёда айрим лойиҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баъзи вилоятларда аукционда сотиб олинган ўнлаб ерларда қурилиш бошланмаган. Аҳоли ва инфратузилмадан узоқ жойда қурилгани учун 781 та хонадон сотилмаган.

Шу боис, бу борада янги тартиб белгилади. Энди “Янги Ўзбекистон” массивига ажратилган ер бўйича лойиҳалаш 2 ойдан ошмаслиги, 3 ой ичида қурилиш бошланиши керак. Бу талаб бузилса, ер қайта аукционга чиқарилади. Лойиҳа кўпи билан ўн беш кунда экспертизадан ўтказилади.

Бу йил ушбу массивлар инфратузилмаси учун 1,2 триллион сўм йўналтирилади.

Қурилишда “аскроу” тизими жорий қилиниши билан девелоперларга ҳозиргидан пастроқ ставкада 1 миллиард доллар айланма маблағ жалб этиш имконияти пайдо бўлади. Муҳими, уларни молиялаштириш уй қуриш билан бирга бошланади ва давом этади. Фуқаролар эса қурилиш бошидан ипотека ва субсидия олиши, уй битмасдан ҳам бошқа одамга сотиш имконига эга бўлади.

Ишончли девелоперлар учун яна бир имконият: иморатнинг 50 фоизи қурилганда фуқаролар кредит ва субсидия олиши мумкин бўлади. Ушбу тартиб нафақат имтиёзли, балки тижорат ипотека кредитлари учун ҳам таъбиқ этилади.

Қурувчи ташкилотлар қурилиш бошлаганидан якунлагунича, лекин кўпи билан 12 ой давомида ер солиғи тўлашдан овоз қилинади. Объект муддатига топширилмаса, девелопер ер солиғини 2 қарра миқдорда тўлайди.

“Янги Ўзбекистон” массиви учун ажратилган ернинг 10 фоизи девелоперларга тижорат бинолари қуриш учун ягона лот сифатида савдога чиқарилади. Уйларнинг 1-2 қаватида хусусий боғчалар очиб қўлаб-қувватланиб, мулк солиғидан ҳам овоз этилади.

Умуман, 2030 йилгача 100 та “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун ерлар камида 70 минг одам яшайдиган туман маркази ёки шаҳар ҳудудига 1-2 километр масофадаги жойдан ажратилади. Бу массивларнинг ҳар бирида 100 минг квадрат метрли 2 мингта хонадон қурилади.

Ишларни сифатли ташкиллаштириш учун замонавий менежерлардан иборат “Ўз уйим” компанияси тузилади. Ушбу компания “Янги Ўзбекистон” массивларига ер танлаш, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишига масъул бўлади.

Мутасаддиларга халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, келгуси беш йил учун уй-жой сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш топширилади.

Қурилиш сифати ва назорати масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Энди бу жараёнлар соддалаштирилиши қайд этилди.

Жумладан, бинокорлар “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали тайёр лойиҳани идоралар билан онлайн келишади. Иншоотнинг лойиҳага мослигини Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси текширади ва битганидан кейин хулоса беради. Зарур ҳолларда бошқа соҳадаги мутахассисларни жалб қилади. Қурилиш давомида зилзилага бардошлилигини синовдан ўтказган лабораториянинг ўзи охирида қўшимча ҳақ олмай хулоса беради. Бинони фойдаланишга топширишда ҳозирги 7 та идора ўрнига фақат 2 та — Қурилиш инспекцияси ва ёнги хавфсизлигининг хулосаси етарли бўлади.

Мазлумки, яқинда Тошкент шаҳрини Бош режаси тасдиқланди. Энди архитектура-режалаштириш топшириғи ва қурилишга руҳсат бериш жараёнини бирлаштириб, бунга кетадиган вақтни 2 қарра қисқартириш зарурлиги айтилди. Бу тизим келгуси йилдан бошқа вилоятларда ҳам йўлга қўйилади. Ер олишдан бошлаб, бинони фойдаланишга топширишгача бўлган ҳар бир босқич кўриник турадиган рақамли тизим яратилади.

Соҳага салоҳиятли девелоперларни жалб қилиш мақсадида бундан буён кўп қаватли уй қуриш учун ерлар аукционда фақат ҚҚС тўловчи юридик шахсларга сотилади.

Бугунги кунда 15 мингга яқин кўп қаватли уйларга туташ майдон мулкдорга бириктирилмагани сабабли бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатадиган ҳудудлар чегараси маълум эмас. Бундай жойларни аниқ белгилаб, компанияларга бириктириш, дарахтлар экиб, атроф-муҳитни асраш юзасидан кўрсатмалар берилди. Бу борадаги шартномавий муносабатлар ва яшил ҳудуд бўйича меъёрларни қонун билан мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатимизда 120 минг хонадонли кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Янги Тошкентда 15 минг хонадон барпо қилиш кўзда тутилган. Бу уйларда “яшил” энергиядан фойдаланилади. Энергия барқарорлигини таъминлаш учун хусусий шериклик асосида 100 мегаватт-соат сиғимли электр сақлаш қуввати ўрнатилди.

Янги Тошкентдаги уйларни иситиш ва совутиш марказлашган “уч генерация” тизими орқали бўлади. Бунинг ҳисобига ёз мавсумида электр сарфи 4 қарра қисқаради. Барча бино-иншоотларга юқори энергия самарадорлик талаблари жорий қилинади. Транспорт, ёритиш тизимлари ва зариялаш станциялари фақат “яшил” технологиялар асосида бўлади.

Эски уйларни реновация асосида янгилаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бунда ердан фойдаланиш самарадорлиги 4-5 қарра ошадиган, коммуникация харажати 2 қарра камайди. Асосийси, бу орқали шу ҳудуддаги одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, турмуш тарзи тубдан яхшиланади, иш ўрни кўпайиб, иқтисодиёт ривожланади.

Жиззах, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Дўстлик ва пойтахт туманларида шундай ишлар бошланган. Бу босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилади.

Бу йил уй-жой дастурларини молиялаштиришга бюджетдан 15 триллион 500 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Банклар томонидан бунга қўшимча 10 триллион сўм, “Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” томонидан 2,3 триллион сўм йўналтирилади.

Бунинг ёрдамида 70 мингта хонадоннинг ипотека кредити орқали сотилишига шараит яратилади. Шундан 30 минг хонадон бошланғич бадалига бюджетдан субсидия тўланган ҳолда, даромади юқори бўлмаган оилаларга берилади.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши, ипотека ва реновация лойиҳалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК БАРЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 январь куни Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта билан бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Антониу Кошта Европа Кенгаши раҳбари лавозимига сайлангани билан самимий табриқлаб, унга катта муваффақиятлар тилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Кенгаши раҳбарлари раҳбарлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тез фурсатда имзоланиши ўзаро муносабатларнинг бутун мажмуини ривожлантиришга жиддий туртки бўлишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси ва Евро-кенгаш раҳбари халқаро кун тартибига ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди. Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қўшма режалар муҳокама қилинди.

ЎЗА

“ЯШИЛ” ТАДБИРКОР МАҚОМИ ҚЎШИМЧА БАЛЛ ВА ИМТИЁЗЛАР БERAДИМИ?

Ўзбекистонда энг кўп тилга олинаётган ибораларнинг аксарияти “яшил” сўзи билан боғланмоқда. 2019 йилдан бошлаб мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш харақати фаоллашган бўлса, ўшандан буён “яшил” энергетика, “яшил” макон, “яшил” шаҳарсозлик каби сўзлар лугатимизга фаол кириб келди. Жорий йил бошидан эса бундай атамалар қаторига янгилари қўшилиятти. Хусусан, энди юртимизда ишбилармон доира вакиллари “яшил” тадбиркор мақомини бериш йўлга қўйилади.

▶ Давоми 3-бетда

Президент ташаббуси амалда

УЙЧИ ТАЖРИБАСИ: ЭЗГУ АМАЛЛАР, ХАЙРЛИ ИШЛАР БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ

Кўхна Норин дарёсининг шимолий сарҳадлари билан туташган Уйчи тумани яқин йилларгача иқтисодий жиҳатдан қоқоқ, инфратузилма тармоқлари ривожланмаган, ишсизлик юқори бўлган аграр ҳудуд ҳисобланган. Туманда бармоқ билан санарли sanoat корхонаси бор эди.

Кейинги йилларда бу ердаги ҳолат, аҳоли ҳаёт тарзи, дунёқарашини ўзгарди. Уйчи тумани тадбиркорлик, ишбилармонлик, sanoat салоҳияти ривожланган ҳудуд сифатида кўннинг эътибори ва эътирофига тутиди. Равон йўллар, катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари, мухташам бино ва иншоотлар туманнинг янги “таширф қозғони” десак, муболаға бўлмайди.

Туман ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Бу ера келувчи, мавжуд шароит ва амалий ишлар билан ўртоқлашаётган, тажриба алмашаётганлар кўпайди. Бу бежиз эмас, албатта.

Президентимиз ўтган йилнинг 25-26 март кунлари Наманган вилоятига қилган амалий таширфи чоғида нисбатан оғир ҳудуд бўлган Уйчи туманини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни намуна сифатида кўрсатиб, уни оммалаштириш тақлифини илгари сурди.

▶ Давоми 4-, 5-бетларда



ТИББИЁТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ушбу мақсадлар учун давлат ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратилган

Халқаро андозалар даражасида тиббий хизмат кўрсатадиган тизимни йўлга қўйиш, халқимизни янада соғломлаштириш ва розилигига эришиш билан боғлиқ кўплаб муҳим вазифалар бугун ҳам кун тартибда. Айни мақсад йўлида соғлиқни сақлаш тизими янгича ёндашувлар асосида трансформация қилиняпти. Тизимдаги инсон саломатлиги, яшаш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ ислохотлар бугун ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти кенгайтириляпти ва бу хайрли ишлар янги босқичда давом эттирилмоқда. Соҳа олдида бу борада жиддий вазифалар қўйилган.

Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш — энг асосий талаблардан бири.

Утган вақт давомида бу борада эътиборга молик ишлар қилинди. Шифохоналар замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили етарлича маблағ ажратилляпти.

Натижада олдин фақат республика муассасаларида бўлган компьютер томографи, магнит резонанс томограф, ангиографлар ҳозир вилоятларда, туманларда ҳам бор. Бу ихтисослашган хизмат аҳолига янада яқинлашди, дегани.

Жорий йил тиббиёт тизимидagi трансформация жараёни бутунлай янги босқичга кўтарилиши кутилмоқда. Ушбу мақсадлар учун давлат ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратилган. Шунингдек, тиббиётга 370 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланган. Бу аҳоли саломатлигига энг устувор вазифа сифатида қаралаётганига бир мисол.

Давлатимиз раҳбари 20 январь куни тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир тақлифлар тақдимоти билан танишди. Тақдимотда тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва малакали мутахассисларни ҳозирдан тайёрлаш масалалари бўйича режалар баён қилинди.

Тиббиёт соҳасига инвестиция жалб қилиш бўйича иккита лойиҳа тақдимот қилдик, — дейди соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоев. — Биринчи лойиҳамиз Оролбўйи минтақасида аҳоли саломатлигини тиклаш ва тиббиёт муассасалари моддий-техник

базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Лойиҳа доирасида Германиянинг КfW банкнинг 30 миллион евро маблағи ҳисобига Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги 19 тадан тиббиёт муассасаси юрак-қон томир касалликларини даволовчи ускуналар билан жиҳозланади. Бундай касал-



ликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва юқори технологик асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда Оролбўйи минтақасида аҳолига ҳудуднинг ўзида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш самардорлигини ошириш мақсад қилинган.

Ажратиладиган кредит ва грант маблағлари йўналиши бўйича Хоразм вилоятига 95 турдаги 588 та ва Қорақалпоғистон Республикасига 66 турдаги 274 та асбоб-ускуна ажратилади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг тоғли, чўл ҳудудларини махсус йўл танламас 70 та тез тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминлаш кўзда тутилляпти. Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги тиббиёт муассасаларини юқори технологик диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминлаш биринчи компонент ҳисобланади.

Иккинчи компонентни юрак-қон томир, нейрхирургия, офтальмология йўналишидаги касалликларнинг олдини олиш мақсадида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларини зарур асбоб-ускуналар билан таъминот ташкил қилади.

Учинчи компонент эса юрак-қон томир касалликлари ва бошқа йўналишлардаги клиник кўникмаларни такомиллаштириш, бошқарув салоҳиятини

мустаҳкамлаш, тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари, муассасалар бош шифокорлари, менежерларига ва тор соҳа мутахассисларига алоҳида ўқув курслари ўтказилиши мўлжалланган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида аҳолининг саломатлиги кўрсаткичини кўтариш ва диагностика аниқлигини такомиллаштириш мақсад қилинган.

Германия КfW банкнинг гранти билан Термиз шаҳрида ўқув маркази,

талабалар турар жойи қурилади. Бу марказ замонавий ўқув-симуляция ва ахборот технологиялари билан жиҳозланади. Аммо кадрлар салоҳияти юқори бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Шу боис, малакали тиббиёт ходимларини етиштириш учун тиббий таълимни тўлиқ трансформация қилиш зарур.



Давлатимиз раҳбари жиҳозлаш масаланинг фақат бир қисми экани, уларда ишлаб оладиган малакали мутахассисларни хозирдан тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Тегишли муассасалардаги шифокор ва ҳамшираларни кўшимча ўқитиш вазифаси қўйилди.

Термиз шаҳрида 1,6 гектар ҳудудга эга, ҳар йили 100 нафар маҳаллий ва 200 нафар афғонистонлик талабани ўқитишга мўлжалланган тиббиёт таълим маскани барпо этилади. Ўқув-симуляция марказида нафақат Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали талабалари, балки Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ҳам малака ошириши мумкин. Ўқитиш Германия технологиялари ва дастурлари асосида ташкил қилинади.

Йўналишда ускуналардан самарали фойдаланиш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди. Масалан, вилоятларда ангиографлар юкмаси ўртача 34 фоиз. Томограф бўйича ҳолат ҳам ҳар хил. Шу боис, ҳокимликлар билан бирга давлат шифохоналаридаги юқори технологик ускуналардан самарали фойдаланиш бўйича аутсорсинг ва хусусий шериклик лойиҳалари йўлга қўйилиши белгиланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигига қаратилаётган юксак эътибор тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг барча ҳудудларга етиб бораётгани, тиббий хизматнинг халққа яқинлаштирилгани мисолида ўз ифодасини топмоқда. Бир пайтлар энг илғор хорижий мамлакатлар клиникалари, кейинчалик пойтахтда бажарилган юқори технологик амалиётлар энди олим ҳудудларда ҳам босқичма-босқич жорий этиляпти. Соғлиқни сақлаш тизимидagi янгиликлар инсон саломатлигини асраш, унинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш орқали розилигига эришишдек мақсадни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҚАРИЙБ 24 КИЛОМЕТР БАЙТҚҶРҒОН — ПАРКЕНТ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз темир йўл тизимида тараққиётга хизмат қилувчи, одамларга қулайлик яратувчи кўп лойиҳалар рўёбга чиқарилляпти. Жумладан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасини Хоразм вилояти билан боғловчи 85 километрли Шовот — Қораўзак янги темир йўл линияси ҳамда Амударё устидан ўтувчи 423 метрли темир йўл ва автомобиль йўли кўприги фойдаланишга топширилгани катта мамнуният билан қарши олинганди. Чунки мазкур лойиҳа туфайли ҳаракат масофаси 156 километрга қисқарди. Шунингдек, лойиҳага мувофиқ, қатор ёндош иншоотлар, барча қулайликларга эга Гурлан ва Манғит темир йўл вокзаллари барпо этилди. Бу юзлаб кишилик бандлигини таъминлашга, қишлоқлар инфратузилмаси яхшиланишига катта ҳисса қўшди.



Ҳозир ушбу кўприк орқали бир кунда ўртача 12 мингта автомобиль ҳамда 24 жуфт поезд қатнови амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани тоғли ҳудудларига сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли етиб боришига қулай транспорт тизимини яратиш мақсадида амалга оширилган лойиҳа — узунлиги 68,6 километрга тенг Тошкент — Чирчиқ — Хўжакент станциялари бўйлаб тезорар электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилгани ҳам йил воқеаларидан бири бўлди. Мазкур лойиҳалар натижасида, энг аввало, туризм салоҳияти ва жозибадорлиги ошиб, юк ва йўловчи ташиш тезлиги бир неча баробар кўпаяди, одамларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Экология ва атроф-муҳит мусоффолиги сақланади.

Ўзбекистон бугун иқтисодий ривожланган, савдо алоқалари тобора кенгайиб бораётган, инвестор ва сайёҳлар учун жозибадор мамлакат сифатида танилмоқда. Табиийки, бу зарур инфратузилмаларни талаб этади. Шу боис, Тошкент вилоятида

Байтқўрғон — Паркент электрлаштирилган темир йўли линияси қурилиши бошлангани жуда муҳим. Чунки ушбу лойиҳа туфайли пойтахт вилоятининг сўлим гўшларига борадиган сайёҳлар, маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун қулайлик яратилади. Хавфсиз ва замонавий транспорт қатнови йўлга қўйилади. Бу йўллардаги тирбандликни камайтириб, ортқиқа нуқулалликларнинг олдини олади.

Лойиҳалаш ишлари “Боштранслейв” акциядорлик жамияти, қурилиш ишлари эса темирйўлчи мутахассислар томонидан бажарилаётган Байтқўрғон — Паркент электрлаштирилган темир йўли умумий узунлиги 23,8 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 2 та ажратиб туати, 4 та кўприк, 2 та йўл ўтказгич, 1 та туннель турлидаги йўл ўтказгич, 78 та сув ўтказиш иншооти, 7 та автомобиль йўли ва темир йўли кесими қурилиши режалаштирилган.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бутуннинг гапи

ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК

замонавий талаблар ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашув

Ўзбекистон замини қулай иқлим ва улкан ер ресурслари билан кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта имкониятга эга. Паррандачилик ва яйлов ерлардан оқилона фойдаланиш бу соҳада муҳим йўналиш ҳисобланади. Ушбу тармоқлар нафақат озиқ-овқат хавфсизлигига ҳисса қўшади, балки янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ривожига туртки беради.

Хусусан, паррандачилик кишлоқ хўжалигининг энг самарали тармоқларидан бири, қатор афзалликларга эга. Шу боис, соҳани модернизация қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, озуқа сифатини ошириш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда катта майдонни эгаллаган яйловлар бор. Улар чорвачилик учун муҳим манба. Энг яхши халқаро тажрибага кўра, яйловларни бошқариш самардорлигини ошириш, жумладан, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, янгича ёндашувларни жорий этиш ва фермерларнинг билимини ошириш учун комплекс ёндашув зарур.

Давлатимиз раҳбари 21 январь куни паррандачиликни ривожлантириш ва яйловлардан самарали фойдаланиш чоратadbирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда маҳсулдорлик изчил ошиб бормоқда. Бу суръатни давом эттириб, жорий йилда 1 миллион тонна парранда гўшти, 10 миллиард 500 миллион донна тухум етиштириши мўлжалланган.



паррандачилик кластери ташкил этилади. Кластерлар 230 та кичик хўжаликни ўзида бирлаштиради. Муҳим, кластерлар фаолияти паррандани етиштиришдан то уни қайта ишлашгача бўлган жараёни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида кооперация тизими асосида парранда етиштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, бу бўйича қатор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва юртимизда жорий этиш юзасидан топшириқлар берилди. Жорий йилда бир миллион аҳолини соҳага жалб этиш чоралари кўрилади. Йил сўнгигача экспортни 2 қарра ошириб, 180 миллион долларга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда.



“Паррандачиликни ривожлантириш ва яйлов ерлардан самарали фойдаланиш ўзбекистонда барқарор ўсишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Соҳадаги ислохотлар эса аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, даромадини оширишга ҳам хизмат қилади.”

Айни пайтда юртимизда гўшт йўналишидаги парранданинг 1-тартибли генетикасини ташкил қилиш бошланган. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда энди буни тухумчилик бўйича ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Паррандачилик кооперацияси бўйича Андижон, Наманган, Самарқанд ва Хоразмда яхши тажрибалар бор. Бунда ҳам одамлар даромад топапти, ҳам паррандачилик корхоналарининг иши юриляпти. Вақтинча тўхтаб қолган ёки кам қувватда ишлаётган паррандачилик корхонасини молиявий соғломлаштириб, фаолиятини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тақдимотда яйловлардан самарали фойдаланиш борасида қатор вазифалар белгиланди. Чорвачиликда 1350 та лойиҳани ишга тушириб, 3 миллион 200 минг тонна гўшт етиштириш, 13 миллион тоннадан зиёд сут олиб,

унинг 30 фоизини sanoat усулида қайта ишлаш ҳисоб-китоб қилинган.

— Давлатимиз раҳбари томонидан яйлов хўжаликларига жун ва гўшт йўналишида қўй ва эчкиларни кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланди, — дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Баҳромжон Норқобилов. — Бунинг учун жорий йилда Мўғлистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Россиянинг Олтой ўлкасидан 300 минг бош қўй ва эчки олиб келишни режалаштиряпмиз. Бу борада бизда тажриба бор. Утган йили ҳам четдан 271 минг бош насли қўй олиб келинган.

Шу билан бирга, жорий йилда чорвачиликни ривожлантириш учун беш триллион сўмлик 1350 та лойиҳа амалга оширилади. Бугун бу лойиҳалар ҳар бир туман ва вилоят кесимида шаклланган.

Қайд этилганидек, айни пайтда мавжуд яйловларнинг деярли ярмидан фойдаланилмапти. Негаки, яйлов ўсимликлари уруғчилиги ривожланмаган, сув иншоотлари ва қудуқлар етишмайди. Бундай майдонларнинг харитаси ва ижараси рақамлаштирилмаган.

Бугунги кунда 16 миллион гектар яйлов мавжуд. Энди мазкур яйловлар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимига ўтказилди. Шу билан бирга, деградацияга учраган 47 фоиз яйловларда иқлим шароитимизга мос, сувсизлик ва қурғоқчиликка чидамли озуқабоп экинлар экиш ҳисобига ҳосилдорлигини ошириш, қўшимча қудуқлар қазиб ва яйлов уруғчилигини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Айни мақсадда жорий йилда бир миллион гектар яйловда Туркия, Мўғлистон, Португалия ва Испания каби давлатлар илмий-тадқиқот институтлари билан яйлов хўжаликларига озуқабоп экинлар етиштириш бўйича илмий ҳамкорлик йўлга қўйилади. Ана шу асосда миллий дастур ишлаб чиқилади. Асосий мақсад — ерни деградациядан қишлоқчилик ва боқиладиган қўйлар бош сонини 30 фоиз ошириш. Натижада қўйлар бош сони 4 миллионга ошади. Бу йил 500 минг гектар яйловда 1 миллион бош қўйни тартибли боқиб бўйича намунавий лойиҳа амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Эндиликда “E-yauyov” электрон харитаси ишлаб чиқилиб, ҳар бир майдон ушбу тизимга кирилади. Унда чорва, экин ёки геологияга мўлжалланган жойлар аниқ намоён бўлади. Бундай майдонлар энг кўп бўлган 7 та вилоятда яйлов хўжаликларини ташкил қилинади. Улар ўрмон хўжаликларини каби яйловларни асраш ва боқиладиган қўйлар бош сони 30 фоиз ошириш. Натижада қўйлар бош сони 4 миллионга ошади. Бу йил 500 минг гектар яйловда 1 миллион бош қўйни тартибли боқиб бўйича намунавий лойиҳа амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, паррандачиликни ривожлантириш ва яйлов ерлардан самарали фойдаланиш Ўзбекистонда барқарор ўсишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Соҳадаги ислохотлар эса аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, даромадини оширишга ҳам хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Президент ташаббуси амалда

ЎЙЧИ ТАЖРИБАСИ:

Бошланиши 1-бетда

Ўтган қисқа вақт давомида бу ерда 17 минг 131 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, камбағаллик ва миграцияни кескин камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўтган йил декабрь ҳолатига кўра 24 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди. Илмтиёзли дастурлар доирасида 2803 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 55,3 миллиард

сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 30,1 миллиард сўм, "Бизнесга биринчи қадам" ва "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" дастурлари доирасида 25 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Президентимиз раислигида 2024 йил 17 июль кунни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлилий ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокама-си юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўйчи

тажрибаси ўзини оқлагани эътироф этилиб, янги суръат бағишлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлар ташкил этилиб, ҳар бир маҳаллага банк ва ташкилотлар бириктирилди. Бунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг муаммо ва тақлифларини ўрганиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, томоғқа экин майдонларидан унумли фойдаланиш борасида олиб борилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Ўйчи тажрибаси ўзгача шаклда амалиётга жорий қилингани билан ажралиб туради. Унинг фарқи ва ўзига хос жиҳати, тадбиркорлар ва бизнес билан шугулланиш истагидаги аҳоли вакиллари билан манзилли ишлашда. Яъни ҳокимлик ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масаласини, банк эса маблағни ҳал қилади. Мутасаддилар тадбиркорлар билан, банк раҳбарлари эса миқозлари билан мунтазам учрашиб, бизнесни кенгайтириш учун зарур чоралар ишлаб чиқишда амалий ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Маҳаллаларда "хонадонбай" ва "мижозбай" иш ташкил этилди. Бунинг ҳисобига 36,1 минг аҳоли бандлиги таъминланди ҳамда норасмий иш ўринлари қонунийлаштирилди.



Шуҳрат МУСАЕВ, Ўйчи тумани ҳокими

ҚИРЧИЛЛАМА ЙИГИТ БЎЛИБ ИШЛАГИМ КЕЛАДИ

Маҳалламиз туманинг энг катта ва аҳоли зич массивларидан бири — Жийдакапа қишлоғида жойлашган. Яқинда саксон икки ёшни қарши олдим. Қирқ йил тумандаги 18-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб, ёшларга таълим-тарбия берганман. Умр йўлдошим билан икки ўғил, уч қизни камолга етказдик, йигирмага яқин набиряу чеварамиз бор.

Наманган — Андижон автомагистраль йўли маҳалламиздан ўтган. Кейинги йилларда темирчилик, хусусан, ҳовли ва хонадонлар учун темир дарвозалар тайёрлаш кўпайди. Иш тажрибаларини омаллаштириш, хунарандлар учун муносиб иш шариити яратиш мақсадида темирчиликка ихтисослашган ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда темир дарвоза, эшик, сўри, панжара ва бошқа металл буюмлар тайёрланапти. Маҳсулотта бўлган талабнинг ортиб бориши ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириши талаб қилди, аммо жой тор, имкониятлар йўқ эди. Чунки охириги йилларда деярли ҳар бир хонадонда шундай устахоналар ташкил этилди-да.

Мазкур ишга набираларим ҳам ҳисса қўшди. Аввалига уй шариитида маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишди. Президентимизнинг махсус саноат зонаси қуриш, ишлаб чиқариш учун керакли йўл, сув, электр энергияси сингари зарурий инфратузилма тармоқлари олиб келиш, фаолият турларини кенгайтириш билан боғлиқ шариитлар

яратиш юзасидан берган тақлиф ва кўрсатмалари соҳа ривожига ҳар жиҳатдан қўл келди. Темирчилик янада омаллашди, темир дарвозалар тайёрлаш жараёни саноатлашди.

Аваллари маҳалламиз ёшлари, айниқса, эркаклар хорижга иш излаб боришга мажбур бўлган. Бугун бу жараён буткул барҳам топди. Ҳамма ўз оиласи бағрида эмин-эркин, фаровон яшаб, меҳнат қилмоқда.

Буларни кўриб, етказгани, кўрсатганига шукроналардан ҳайратланаман, чиройли, бежирим, бетакрор, бир-бирига камарбаста бўлиб меҳнат қилаётган ёшлар сазй-ҳаракати, изланишларга ҳавас қилиб, қирчиллама йигит бўлиб ишлагим келади.



Аббосали ота АКБАРОВ, "Қумтепа" маҳалла фуқаролар йиғини меҳнат фахрийси

НАЗАРИЙ БИЛИМ АМАЛИЁТ БИЛАН УЙГУН БЎЛДИ

Қасб-хунар коллежида технология йўналиши бўйича малака олганман. Қишлоғимизда янги корхона ташкил этилганидан хабар топиб, ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтказиб, назарий билимларимни амалиёт билан уйғунлаштириб бордим, устозлар кўмағида иш ўргандим, тажриба орттирдим.

Дастлаб оддий ишчи, бугунга келиб, бош технолог вазифасида ишлаб, 5 миллион сўмдан ортиқ маош оляпман. Хорижда ишлаб ҳам бунча даромад топиш қийин. Шу боис, тенгқур ортққ маош оляпман. Хорижда ишлаб ҳам бунча даромад топиш қийин. Шу боис, тенгқур ортққ маош оляпман.

Муҳаммадамин ШАМСИДДИНОВ, бош технолог



ЎЗОҚНИНГ БУЎДОЙДАН, ЯҚИННИНГ СОМОНИ ЯХШИ

Ёшлар етақчиси тавсияси билан менга мотокультиватор беришди. Маҳалламизнинг ўсиш нуқтаси дехқончиликка ихтисослашган. Шу боис, мотокультиватор хизматида бўлган талаб юқори.

Жорий мавсумда ишлаб топган даромадим ҳисобига ўз томоғқамда иссиқхона қуриб, сабзавот экинлари етиштиришни йўлга қўйдим, кўшимча даромад олдим. Айни кунда иш фаолиятини кенгайтириш, трактор, харид қилиш, кичик қайта ишлаш тармоқларини қуришни кўзлаб турибман. Бу жуда катта имконият. Энди хорижга иш излаб боришга ҳоҳат қолмади. "Ўзоқнинг буғдойдан, яқиннинг сомони яхши"

Ҳасанбой ХАЛИЛОВ, меҳнат мигранти



ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ ЯРАТИЛЯПТИ

Корхонамизда мева данакларини қайта ишлаш лойиҳаси ишга туширилиши ҳисобига кўшимча қиймат яратилди. Бу ерда 15 та доимий ва 100 та хонадонда кооперация асосида иш ўринлари ташкил қилинди. Данақ йиғим-терим мавсумида ишчи-хизматчилар сафи икки хиссага ортади.

Маҳсулотларимизга ички ва ташқи бозорда талаб юқори. Бу ерда мева данаклари қайта ишланиб, 1000 тоннадан ортиқ мағиз саралаб олинади. Уларни Туркия, Хитой каби давлатларга экспорт қилияпмиз. Шу кунга қадар бу борадаги иш ҳажми 500 минг доллардан ошди.

Фаолиятимиз шу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳозирда янги қадоклаш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали экспорт географиясини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш борасида иш олиб бораёпмиз. Бу кўшимча иш ўринлари

яратиш, ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини ошириш имкониятини беради. Корхонамизда ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиши учун шарт-шароитлар бор. Бепул иссиқ овқат, узоқдан келиб ишлаётганлар учун транспорт, энг муҳими, меҳнатга яраша рабатлантириш йўлга қўйилган.

Билал ШАРОФИДДИНОВ, "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Абдулвоҳид Билал Шамшидин меҳнат" МЧЖ иш бошқарувчиси

МИГРАЦИЯ АСОСИЙ МАСАЛА

Меҳнат миграциясидаги фуқароларни қайтариш ва уларни даромадли иш жойларида бандлигини таъминлаш мақсадида масъуллар томонидан, ҳар бир мигрант билан онлайн мулоқот қилиб, хориждаги иш шариити, топаётган даромади ва муаммолари ўрганилди. Етарли даромадга эга бўлмаган фуқароларни уйларига қайтариш ва даромадли иш ўринлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Амалий чора-тадбирлар натижасида шу кунга қадар 5794 нафар фуқаро меҳнат миграциясидан қайтарилди. Шу ўринда эътиборли бир жиҳатни айтиб ўтаман. 2017 йилда туманимизда фақат ёз ва "Каптекс" хусусий корхонаси фаолият юритган, холос. Бугунга келиб, "Еркатай", "Овчибулоқ", "Қумтепа" сингари кичик ва ёшлар саноат зоналари ташкил қилиниб, юзлаб замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолият йўлга қўйилди. Ҳар бир сектор кесимида тадбиркорлар фаолияти кенгайтирилиб, "Либос Корлшани", "Мега-текстиль", "Баркас текст", "Водий ипак гилами" каби янги саноат корхоналари ҳисобига юзлаб иш ўрни яратилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклаштириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда нодавлат таълим фаолияти билан шугулланиб келаётган "Rа'noxon Textil Servis", "Solexa Samo" ҳамда "Academy Senior IT" ўқув марказларида 400 нафарга яқин ишсиз фуқаро тикувчилик,

ошпаз-қандолатчи, рақамли технологиялар, мультимедиа тизимлари техниги каби йўналишларда ўқишга қабул қилинди. Маҳаллалардаги ишсиз ва камбағал оилалар билан манзилли ишланиш натижасида 2024 йил бошга нисбатан ишсизлик даражаси 6,9 фоиздан 4,5 фоизга туширилди, камбағаллик 5,3 фоизга камайтирилди, 5,3 мингта оила камбағалликдан чиқарилди.

Туманимизда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Ёшлар бандлик дастурлари" ишлаб чиқилди. Шу кунга қадар 462 нафар ёш, шунингдек, яқинда меҳнат бозорига кириб келган 1250 нафар битирувчи кафолатли иш ўринлари билан таъминланди. Натижада 56 та маҳалла фуқаролар йиғини "ёшлар ишсизлигиндан холи ҳудуд"га айланди.

Должимон МАВЛОНОВ, Ўйчи тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклаштириш бўлими бошлиғи

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ЧЕККА ҚИШЛОҚ САНОАТЛАШАЯПТИ

Маҳалламиз туман марказидан 15 қақрим олисда жойлашган. Асосан, дехқончилик, чорвачилик йўналишига ихтисослашган қишлоққа кичик саноат тармоқлари кириб бориши ҳисобига ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айланди.

Маҳалла ҳудудида йиллар давомида қаровис қолган бўш бино тадбиркор Ботир Муҳаммадалиев ташаббуси билан

таъмирланиб, жиҳозлангач, мавсумий оёқ кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун "Бизнесга биринчи қадам"

микроройиҳаси асосида "Халқ банки" томонидан илмтиёзли кредит маблағлари берилди. Айни кунда 30 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 50 дан зиёд касаначилар билан шартнома асосида иш олиб боришмоқда.

Чекка қишлоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинапти десам, кимдир ишонмаслиги мумкин, аммо бу айни ҳақиқат. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўтарди, ўзларига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлади.

2024 йил аввалида ўтказилган "хонадонбай" ўрганишларимиз натижасида ишлаб истагида бўлган 86 нафар ишсиз фуқаро борлиги аниқланганди. Шу кунга қадар уларнинг барчаси доимий даромадга эга бўлган иш ўринлари билан таъминланди. Аксарият ёшлар янги ташкил этилган корхонага ишга кирган бўлса, 19 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари берилиб,

ўзини ўзи банд қилди, 6 нафар ёшлар мотокультиваторлар билан таъминланди. 23 нафар хотин-қиз тикувчиликка ўқитилиб, пойабзал корхонасига ишга жойлашди.

Бундан ташқари, иссиқхона, чорвачилик, асаларичилик йўналишларини қамраб олган қатор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 394 миллион сўм илмтиёзли кредитлар ажратилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш борасида олиб бораётган ишларимиз бу билан поёнига етгани йўқ, албатта. Ҳаёт давом этар экан, унинг ўзига яраша муаммолари учраб туради. Бугунги кунда асосий эътибор меҳнат миграциясидаги ёшлар билан ишлашга қаратилган. Бу йўналишда ҳокимлик, маҳалла етилиги, банк вакиллари билан тез-тез мулоқот ўтказиш ашянага айланган. Мулоқот жараёнида яратилган имконият ва илмтиёзлар, мавжуд муаммо ва уларнинг ечими, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида тақлифлар бериб бориляпти, ёшлар фикрлари билан ўртоқлашилмоқда.

Акмалжон УБАЙДУЛЛАЕВ, "Ҳўжаобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси



ЭЗГУ АМАЛЛАР, ХАЙРЛИ ИШЛАР БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ



ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

УМРИМ БЕҲУДА ЎТГАНИГА АЧИНГАНМАН

Темирчилик бобомерос касб. Отам бу хунар ортидан элда ҳурмат-иззат топганлардан. Аммо рўзгордан ортиб, бирон-бир ишга қўл ура олмаган. Ҳайхотдек оилада битта темир тўқмоққа қараб қолиш билан иш ўнглини қолмайди. Шу боис, кунлар илиши билан Россияга иш излаб борардим. Ҳаётимнинг етти йилни ана шу тарзда ўтказдим.

Яқинларим, маҳалла фаоллари телефон орқали боғланиб, маҳалламиз ҳудудда темирчилик йўналишига ихтисослашган саноат зонаси ташкил этилгани, бу ердаги қўлайлик, имтиёз ва имкониятлар хусусида айтган фикрларини эшитиб, ортимга қайтдим, адашмаган эканман. Менга уч сотих ер майдони ва имтиёзли кредит маблағлари беришди. Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим.

Темирчилик, пайвандлаш оддий жараён эмас. Бу ишда ҳар бир нарса аниқ ҳисоб-киتاب асосида, етти ўлчаб бир марта кесишни талаб қилади. Шунинг учун укам, ишсиз қўни-

қўшнилари ёрдамга чақирдим. Бугунги кунда 4 нафар шогирдим бор. Ишимизда сифат устувор аҳамият касб этади. Маҳсулотларимизни сотиш учун юртимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинган. Марказий Осиё давлатлари ҳам катта қизиқиш билдирапти. Икки миллиард сўмдан ортиқ товар айлан-мамиз бор, бу ўрта ҳисобида 500 миллион сўм даромад деган гап. Ишчиларимизнинг даромади ҳам шунга яраша, ойлик маошлари 7-8 миллион сўмни ташкил қилади.

Аброржон ЭРГАШЕВ, хунарманд



Мамлакатимиз Президенти “Қумтепа” ёшлар кичик саноат зонасидаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, темирчи хунармандлар билан суҳбатлашиб, саноат зонаси майдонидан самарали фойдаланиш, ишсиз фуқаролар, айниқса, ёш йигит-қизларни хунармандчиликка йўналтиришнинг аниқ ечимлари хусусида кўрсатмалар берган.

Белгиланган вазифалар ижроси доирасида 30 та лойиҳа шакллантирилиб ишга туширилди. “Уста-шогирд” аъёнлари асосида 500 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Ҳудудда темирчилик соҳасига қизиққан тадбиркор ёшларнинг кўпайиб бораётгани боис, саноат зонаси ёнидаги икки гектар ер майдонида иккинчи босқич қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Айни кунда 33 нафар ёш хунармандга уч сотихдан ер майдони ажратиб берилиб, умумий қиймати 16,5 миллиард сўмлик лойиҳаларда қурилиш ишлари олиб борилмақда.

Бугунги кунда четдан олиб келинаётган хомашёни маҳаллийлаштиришга эътибор қаратиляпти. Бу ҳар бир ишлаб чиқарувчига 100 миллион сўмга маблағни тежаш имконини беради. Қумтепа маҳалласи ва кичик саноат зонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий темир эшик ва дарвозаларни мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, ҳатто қўшни

Қирғизистондан келиб, харид қилиб кетишмоқда.

Умумий ҳисобда 5,1 гектар майдонни эгаллаган мажмуада Қумтепа, Дехқон, Баландарик ва Жийдақапа маҳаллаларида истиқомат қилаётган уста-хунармандлар учун зарур шартлар ҳозирланди. Қуёш панелларидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилди, йўл, электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув каби керакли инфратузилма тармоқлари олиб келинди.

Яна бир жиҳати, Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббус билан шу кунларда Қоракөлпоғон Республикасининг Нукус шаҳрида Ўйчи тажрибаси асосида темирчиликка ихтисослашган кичик саноат зонаси қурилишига пойдевор қўйилмоқда.

Нуриддин ДАДАБОВЕВ, “Қумтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси

ЕРДАН ХАЗИНА ТОПАЁТГАНЛАР

Ўйчи тажрибасини оммалаштиришда томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва “мижозбай” ишлаш борасида сезиларли натижалар қўлга киритилляпти. Аҳоли томонидан аукцион савдолари орқали сотиб олинган ерларда “Бир контур — бир махсулот” тамойили асосида махсулот етиштириш ишлари оммалашди. Шу кунга қадар ҳокимлик захирасига олинган 338 гектар ер майдонлари электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилиди.

Бизнинг маҳалла фуқаролар йиғинида 15 гектар майдонда ширин макка экиш йўлга қўйилиб, етиштирилган сархил махсулотлар йирик тадбиркорлар томонидан сотиб олинмоқда. Масалан, ишсиз хотин-қизлар тоифасига кирган Хуршида Қўчқоровага 20 сотих экин майдони имтиёзли аукцион савдолари орқали ажратиб берилиб, тадбиркорлар кўмагида уруғ, минерал ўғит, техникалар етказиб бериш йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан самара берди. Бу йўналишда “Беназир Иббол Мирзо” масъулияти чекланган жамияти билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши ҳисобига бир мавсумнинг ўзига 30 миллион сўмдан ортиқ даромад олинди, чорва учун озуқа жамғарилди. Экиндан бушанган майдонларга “тўқсонбости” усулида сабзавот экинлари екилди.

Бу усулда иш олиб бориш ҳар жиҳатдан фойдали бўляпти. Авваллари етиштирилган махсулотни сотишда турли қийинчилик, оврагарчиликларга дуч келинган бўлса, эндиликда даланинг ўзига харид қилиб олинляпти.

Маҳмуджон ЭГАМБЕРДИЕВ, “Дехқон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Маҳалла фуқаролар йиғини ва тижорат банклари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик Ўйчи тажрибасининг муҳим омили ҳисобланади. Демак, камбағаллик, ишсизликни бартараф этишда бу муҳим бўлган асосий боғловчи вазифасини ўтamoқда.

2024 йил бошидан буён “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси ва “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида 322 аҳолига 2,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Тадбиркорлик субъектларига берилдиган маблағлар ҳисобига камбағал оналанинг камиди битта азёси бандлигини таъминлаш мажбурияти юклатилмоқда. Шу кунга қадар тижорат банклари ва ҳоким ёрдамчилари кўмагида 1404 та микролойиҳа ишга туширилди.

“Ўзмилийбанк” АЖ Ўйчи тумани банк хизматлари маркази 20 та маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ўрганиб, ҳар жиҳатдан ёрдам бериб келяпти. Аҳоли ихтиёрида бўлган 718 гектар экин майдонидан самарали фойдаланиш мақсадида “мижозбай” ишлаш механизмлари жорий қилинди. Бундан ташқари, 50 та ижара асосида берилган 10 сотихли иссиқхоналарда кўкат ва редиска махсулотлари, 1-2 сотихли 5 та иссиқхона бодринг ва помидор қўчатлари етиштиришга, 164 та хонадон данакни қайта ишлаш, 48 та хонадон чорвачиликка ихтисослаштирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартиришда фақат маблағ тақлиф қилиш билан қийинчилик қолаётганимиз йўқ. Масалан, стартапларни қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорлар учун махсус грант дастурлар, инкубатор ва рақамли иқтисодиётга ўтиш, IT соҳасида бандликни ошириш орқали маҳаллий брендларни яратиш, экспортга йўналтириш, маҳаллий хомашё асосида бозорги махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш йўналишларида янги лойиҳаларни амалга оширишни тақлиф қилаёلمиз. Бундан ташқари,

касб-хунар таълимини ривожлантириш, ишлаб чиқариш сектори талабларига мос хунар, ўқув-курсларини ташкил қилиш, ўқув дастурларини модернизация қилиш орқали замонавий технологиялар ва бизнес кўникмаларини ўргатишга йўналтирилган ўқув дастурларини жорий этиш йўналишларига сармоялар ажратиш бўйича тақлифлар бериляпти. Шунингдек, яшил энергия ишлаб чиқариш, қуёш, шамол ва бошқа қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш орқали иш ўринларини яратиш, атроф-муҳитни сақлаш, қайта ишлаш ва чиқиндиларни бошқариш соҳасида бандликни таъминлаш, экологик туризмин ривожлантириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга асосланган бизнес лойиҳаларни жорий этиш бўйича тақлифларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватляёلمиз.

“Обод” маҳалла фуқаролар йиғинида “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида



маҳалланинг Амир Темура кўчасида хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият қўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркор Абдулазиз Абдурахмоновга 50 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига янги тикувчилик корхонасига тамаал тоши қўйилди. Тикувчилик мажмуасига эга бўлган хотин-қизлар билан касаначилик асосида махсулот тайёрлаш ҳисобига 20 та доимий иш ўрни яратилди. Ишсиз ҳамда ижтимоий дафтарда турувчи 10 нафар хотин-қиз ва 4 нафар ёш бандлигини таъминлаш учун субсидия ажратилди. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 2,7 километр йўл “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида голиб бўлиб, намунали маҳаллалар қаторидан жой олди.

Жамолдин МАХАТОВ, “Ўзмилийбанк” АЖ Ўйчи тумани банк хизматлари маркази раҳбари

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” КЎМАККА ТАЙЁР

Маҳаллалар ўсиш нуқталаридан келиб чиқиб, тикувчилик, асаларчилик, чорвачилик, паррандачилик, кўёнчилик, қандолатчилик, иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш соҳаларида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Ўтган йилнинг ўзига 1532 нафар хотин-қиз бу йўналишларда касб-хунарга ўқитилди. Бундан ташқари, ижтимоий дафтарларга киритилган 6348 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга 6 тоифага бўлинган ҳолда ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ёрдамни аниқ эҳтиёжманд оилаларга йўналтириш учун рақамли платформалардан фойдаланиляпти. Меҳнат муҳожириларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва молиявий савдоҳонликларини ошириш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ёш тадбиркор Севара Олимова ташаббуси билан касаначилик маркази ташкил этилди. Бу ерда 30 нафар доимий ва уйма-уй махсулот тарқатиш орқали 80 дан ортиқ хотин-қиз касаначилик асосида иш билан банд қилинди. “Жийдақапа” маҳалла фуқаролар йиғинида Одина Абдулаева сай-ҳаракати билан тикувчилик корхонаси ишга туширилиши ҳисобига 20 нафар хотин-қиз доимий ишга жалб этилди. Корхонада қўшимча қувватлар ҳисобига яна



40 та иш ўрни яратилади. Тадбиркор Улуғбек Ибрагимов Россия давлати билан тузилган шартнома асосида кийим-бош, кўрпа ва ёстиқ жилдлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, 70 та иш ўрни яратди.

“Бўёгон” маҳалла фуқаролар йиғинида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари ривожланди. Бугунги келиб

бу ерда 16 та тикувчилик, 2 та мебель, 4 та дурадгорлик цехи, 2 та паррандачилик, 6 та чорвачилик комплекси, пазандачилик, гулчилик йўналишида тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилди.

Яқка тартибдаги тадбиркор Нозимжон Ҳотамовга қарашли “Бўёгон чеварлари” оилавий тикувчилик комплекси, пазандачилик, гулчилик йўналишида тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ишсизлиги боис, Соҳиббахон Абдуваҳובה “Аёллар дафтари”, қизи Умида “Ёшлар дафтари”га киритилганди. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан уларга субсидия асосида тикув машинаси, хомашё харид қилиш учун маблағ ажратилди. Бу оддий оилага хотиржамлик, фаровонлик олиб келди. Масала бу билан поения етгани йўқ, албатта. Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган оила, маҳалладаги 20 нафар касаначи билан кўрпа ва ёстиқлар учун гилофлар тикнишни йўлга қўйди.

Россияда ишлаётган тўнғич қизини ҳам чақириб олди. Асосий мақсад берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, оилавий фаровонликка эришиш. Иш фаолиятлари, келгусидаги режа ва мақсадлари, мавжуд муаммолар хусусида “маҳалла еттилиги” тез-тез хабар олиб турибди. Ишлайман деганга барча имкониятлар яратиб бериляпти.

Сайдахон АҲМАДАЛИЕВА, туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

БИЗНЕСГА БИРИНЧИ ҚАДАМ

“Қаҳрамон” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан ўтган йилнинг май ойида “Бизнесга

биринчи қадам” дастури доирасида 5 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан 200 бош бедона парваришланми йўлга қўйилди. Ҳозирга келиб, қунига 170-180 та туҳум сотиб даромад топиламан.

Янги лойиҳа туфайли оиламига файз-барак кирди. Шу кунга қадар қуниқ топганимиз рўзгор кам-қўстидан ортмаган. Тадбиркорлик йўлида берилган имтиёз ва имкониятлар оилами тўқинчилигини таъминляпти. Айни кунда бедона туҳумларини сотиш ва жўжа етказиб бериш йўналишида янги лойиҳаларни ишга тушириш борасида ўз тақлифларимизни бердик. Бу нафақат махсулот ишлаб чиқариш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, даромад салмоғини қаррасига ошириш имкониятини беради.

Наргиза ЭРГАШЕВА, тадбиркор



Бир сўз билан айтганда, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш борасида бошланган Ўйчи тажрибаси хайрли амаллар, ташаббусларга бойлиги билан ажрალი туради. Ҳаётбахш ислохотлар аҳоли даромадини ошириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, инфратузилма тармоқлари фаолиятини кенгайтириш имкониятини бераётгани билан аҳамиятли.

Қўш саҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири Расулжон КАМОЛОВ тайёрлади.

